

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тұғрисида

ШАРТНОМА № 42043

Тошкент ш.

2022 йил “08” 09

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш күрүвчи директор в.б. Р.У.Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “PREMIUM ARCHITECT DESIGN” масъулияти чекланган жамияти номидан **Устав ва АЛ-001130-сонли лицензия** асосида иш күрүвчи директор **Каримов У.А.** иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 31-августдаги 137565-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тұғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи **Юнусобод туманидаги 302-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш. (АРТ 1-2, топохарита, геология, (ЗВОС) ни хисобга олган холда).** Объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета хисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатылган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома хисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланса, келтирилган зарар бажарувчи томонидан қопланади.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета хисобига асосан (**ҚҚС билан**) 150 000 000 (**Бир юз эллик миллион**) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичидан шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишида ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан

имзоланадиган ва мухрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл кўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажарувчи қуидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета хужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуки йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета хужжатларидан факат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга катнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқлансанса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичida Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзgartiriшга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараённида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқлансанса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

#### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталрга лойиха-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичida ёзма равишида огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

#### **5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ**

5.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пена тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пена тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга қўра кечиктириса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф

равиша пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазийик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичиде тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичиде тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING

РКД РУЦБ Г. Ташкента

Юридик манзили: ИНН 204 775 594  
100027, Тошкент ш. И. Каримов кўчаси,  
16а-йй. 1000 2186 0262 777098 805075043

УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА

МИНИСТЕРСТВО РУЗ

р/с 23 402 000 500 00 001 016

Директор в.б.

Р.У. Кучкаров



### БАЖАРУВЧИ

“PREMIUM ARCHITECT DESIGN”  
МЧЖ

Манзил: Ташкент ш. Учтепа т. 13-даха,  
33-уй 44-хонадон.

Телефон: +99893 247-77-07

Р/с: 2020 8000 1006 6447 1001

ОАИТБ «Ипак йўли» «Шахрисабз»  
филиали

МФО 01048

ИНН 303892985 ОКЭД – 71 120

Директор

У.А.Каримов





Тошкент шаҳар

“Юнусобод туманидаги 302-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни хисобга олган холда).Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимиияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

**БАЁНИ**

**Комиссия аъзолари:**

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиги

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиги

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Холмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

**КУН ТАРТИБИ**

“Юнусобод туманидаги 302-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни хисобга олган холда).Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 23 август куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 137565лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “PREMIUM ARCHITECT DESIGN” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:


## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 31 августдаги электрон баённомасига асосан “Юнусобод туманидаги 302-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни хисобга олган холда).Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” обьектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “PREMIUM ARCHITECT DESIGN” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


### Комиссия аъзолари.




С. Сагдиев



Ш. Қодиров




О. Хамидов



отпук

П. Абдулсатторов



М. Холматова

"Гадиклайман"  
башкорт шахар хокимининг  
бизиңүү үринбасари

Б.С.Рахмонов  
2022 й

**Ташкент шаҳр хокимининг "Ягона буорумани хизмати" ИКИНИНГ  
Ташкент шаҳр хокимиning 2022 йил 5 Августаги 308-14-0-Q/22-сония карори  
Республика бюджетининг 2022 йил иккисинчча чорамалар режасини ортириб бахшариган кисми хисобидаги  
объектининг културни бўйиче**

Областьтири таңынан жарылған

Сирекштік жеке кешінен бөлгөнде жеке кешінен бөлгөнде	Оңтүстік жеке кешінен бөлгөнде жеке кешінен бөлгөнде	01.01.22-жылдан		01.01.23-жылдан		01.01.23-жылдан	01.01.23-жылдан	01.01.23-жылдан	01.01.23-жылдан	01.01.23-жылдан
		01.01.22-жылдан	01.01.23-жылдан	01.01.23-жылдан	01.01.23-жылдан					
10. Юндастырылғандағы 300-жылдық үйдегі анықтаудан кейінгі баласының расходынан жеке кешінен жеке кешінен онын орталық	2022-2023	обяз		300,000						
11. Толкекшілдер Меркульев Борис Евгеньевич Николаев Мади Русланов жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2022-2023	обяз		250,000						
12. Толкекшілдер Меркульев Борис Евгеньевич Николаев Мади Русланов жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2022-2023	обяз		250,000						
13. Толкекшілдер Меркулов Альберт Николаевич Николаев Мади Русланов жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2022-2023	обяз		300,000						
14. Толкекшілдер Овасов Фурат Абзакович Гадасин Алишер Сабиржанович жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2022-2023	обяз		200,000						
15. Толкекшілдер Янбеков Ахмет Николаевич Имамова Гульсем Сайфидиновна жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2022-2023	обяз		200,000						
16. Толкекшілдер Жанисбеков Аманжол Абдессаламовна Ерланова Аманжол жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2022-2023	обяз		200,000						
17. Толкекшілдер Жумагалиев Жанисбек Абдессаламовна Ерланова Аманжол жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2022-2023	обяз		152,300						
18. Толкекшілдер Жумагалиев Геннадий Геннадьевич Ерланова Аманжол жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2019-2021	обяз		1 000,000						
19. Толкекшілдер Жумагалиев Геннадий Геннадьевич Ерланова Аманжол жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2019-2021	обяз		1 000,000						
20. Толкекшілдер Жумагалиев Аманжол Ерланова Аманжол жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен жеке кешінен	2018-2019	обяз		472,300						

Нот - Толкекшіл шағын Зияткердің Оңтүстік жеке кешінен жеке кешінен бөлгөн Толкекшілдер хөсөнін 2022 йыл 30 наурыз 563-1-40/Q-02-жылдан күршіл 1 000,000 мәннін сыйынан жарылған.


- Толкекшілдер Шабданбеков Даңыс Мадиғүліл 27-жылдан майдандағы жеке кешінен жеке кешінен бөлгөн Толкекшілдер хөсөнін 2022 йыл 04 наурыз 664-1-40/Q-02-жылдан күршіл 1 189,4 мәннін сыйынан жарылған.
- Толкекшілдер Успенов Рустем Рустемұлы 27-жылдан майдандағы жеке кешінен жеке кешінен бөлгөн Толкекшілдер хөсөнін 2022 йыл 11 наурыз 654-1-40/Q-02-жылдан күршіл 1 500,000 мәннін сыйынан жарылған.
- Мирзакұлбек Әбділжанов Абділжан Абділжанұлы 27-жылдан майдандағы жеке кешінен жеке кешінен бөлгөн Толкекшілдер хөсөнін 2022 йыл 15 наурыз 454-1-40/Q-02-жылдан күршіл 1 188,000 мәннін сыйынан жарылған.
- Мирзакұлбек Әбділжанов Абділжан Абділжанұлы 27-жылдан майдандағы жеке кешінен жеке кешінен бөлгөн Толкекшілдер хөсөнін 2022 йыл 25 наурыз 454-1-40/Q-02-жылдан күршіл 1 188,000 мәннін сыйынан жарылған.
- Толкекшілдер Мирзакұлбек Абділжан Абділжанұлы 27-жылдан майдандағы жеке кешінен жеке кешінен бөлгөн Толкекшілдер хөсөнін 2022 йыл 31 наурыз 454-1-40/Q-02-жылдан күршіл 1 188,000 мәннін сыйынан жарылған.
- Толкекшілдер Мирзакұлбек Абділжан Абділжанұлы 27-жылдан майдандағы жеке кешінен жеке кешінен бөлгөн Толкекшілдер хөсөнін 2022 йыл 15 наурыз 454-1-40/Q-02-жылдан күршіл 1 188,000 мәннін сыйынан жарылған.
- Толкекшілдер Мирзакұлбек Абділжан Абділжанұлы 27-жылдан майдандағы жеке кешінен жеке кешінен бөлгөн Толкекшілдер хөсөнін 2022 йыл 25 наурыз 454-1-40/Q-02-жылдан күршіл 1 188,000 мәннін сыйынан жарылған.

"Кыргыз" "Яна бүріншілік жамандық  
драсторлар б. 2



"Кыргыз" "Жамандық  
драсторлар б. 2

2022 ын.



"Кыргыз" "Жамандық  
драсторлар б. 2

2022 ын.

"Кыргыз" "Жамандық  
драсторлар б. 2

2022 ын.